Наманган муҳандислик-педагогика институти

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА МУТАССИБЛИКНИНГ ҚОРАЛАНИШИ

Бажарди: 24-БИҚ-14 гуруҳ талабаси А.Мўминов
Қабул қилди: катта ўқит. Х.Мухиддинова

Марказий Осиё дунёга кўплаб алломаларни етиштириб чиқарган минтақадир. Ундан барча илм соҳаларида, шунингдек, диний билимлар бўйича кўплаб уламолар чиққанлар. Улар илмий-маърифий фаолиятлари билан ўз даврларида жаҳолат, илмсизлик, адолатсизлик ва фитналарга қарши мунтазам курашиб келганлар.

Мусулмон халқлари ҳаётида Пайғамбар алайҳис-салом ҳадислари муҳим ўрин тутади. Ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқиши билан ҳадислар халқ орасида кенг тарқалди ва мақол, ҳикматли сўз ўрнида ҳам доимий муомалага кириб кетди. Аммо саҳиҳ ҳадислар билан бир қаторда сохта ҳадислар ҳам пайдо бўлдики, бу бир томондан ислом дини соф таълимотининг бузилишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан ҳадисларнинг халқ орасида нақадар юқори мавқега эга бўлганини кўрсатди. Чунки, турли гуруҳ ва шахслар ўз манфаатларига хизмат қилувчи ғояларни ҳадислар орқали бошқаларга етказишга уринишларига сабаб мусулмон аҳоли орасида ҳадис ўзга оддий сўздан кўра кўпроқ тингланар ва қабул қилинар эди.

IX асрга келиб Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий каби муҳаддислар томонидан ишончли, саҳиҳ ҳадисларни тўқима ва заифларидан ажратиб берилиши ислом ниқоби остида турли бузғунчи ғоялар тарқалишига кескин зарба берди.

Имом Абу Ҳанифанинг “ал-Фиқҳ ал-акбар” асари ҳанафий ақидасини тартибга келтирувчи манба.

Имом Мотуридийнинг “Китоб ат-Тавҳид”асари Марказий Осиёда кенг тарқалган ҳанафий мазҳабининг ақидавий асоси бўлиб хизмат қилди.

Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” асари мотуридия ақидасини тартибга келтириш бўйича йирик асар ҳисобланади.

Унда ақидавий бир хилликка асосий эътибор қаратилган.